










Лист согласования условий договора

между СП ООО «UZSUNGWOO» и "MUSTAXKAM SERVIS STROY" МЧЖ

Номер договора	№ 23 от 10.06.2022		
Предмет договора	Оплата за оказание услуг по обмеру строительных конструкций, зданий и сооружений проекта "горячая штамповка"		
Сумма договора	Заключение прямого договора, согласно ПРОТОКОЛА закупочной комиссии по лоту № 95645 – Отбор наилучшего предложения от 08.06.2022г., проводимого посредством эл.площадки e.tender.uz.		
Условия оплаты	30 000 000,00 сум (с учетом НДС)		
Примечание	Предоплата 30%		
Срок выполнения	Срочно		
Подготовил договор	Ф.И.О.	Ахмедова А.	Подпись 
Согласовано	Ф.И.О.	Подпись	
Заявитель Специалист по строительству	Шокиров Т.		
Начальник цеха "Горячей штамповки"	Каратицкий Е.		
Начальник отдела закупок и логистики	Юсупов И.		
Главный экономист	Эхсанов Ш.		
Главный бухгалтер	Турдалиев Ш.		
Директор по производству	Давлятов М.		
Финансовый контролер	Холбеков Д.		
1-й зам.ген.директора	Саттаров Ш.		

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 23

2022 йил “10” июн

Тошкент ш.

«UZSUNGWOO» ҚК МЧЖ (кейинги ўринларда “Буюртмачи”), номидан Низом асосида директори Ш.И.Моминжонов бир томондан ва “MUSTAXKAM SERVIS STROY” МЧЖ (кейинги ўринларда “Ижрочи”) директори Ж.М.Адилов, иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу Шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғига асосан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. **Хизмат кўрсатиш объекти манзили:** Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Аэропорт кўчасида жойлашган «UZSUNGWOO» ҚК МЧЖ ҳудудида “HOT STAMPING” лойиҳаси доирасида мавжуд бино-иншоотларни реконструкция қилиш ишларини назорат ўлчовидан ўтказиш.

1.3. Ижрочи ушбу шартнома бўйича бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчов ишларини (хизматлар кўрсатишни) қурилиш соҳасига оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда жамиятнинг “Қурилиш (қайта таъмирлаш, таъмирлаш) объектларида бажарилган қурилиш-монтаж ишларини, монтажга топширилган ускуналарни назорат ўлчовидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланган ҳолда амалга оширади.

1.4. **Хизмат кўрсатиш муддати:** Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилган ҳамда мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган Рўйхатга асосан ҳужжатларни тақдим этган вақтдан амалга оширилади. Яқунлаш муддати томонлар келишувига асосан амалга оширилади. Ижрочи ушбу шартномада кўрсатилган хизматларни муддатидан олдин кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Ижрочиға боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳужжатларнинг тақдим этилиши кечиккан ҳолда, шартноманинг ижро этиш муддати 1 ойгача узайтирилиши мумкин.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

2.1.1. Хизмат кўрсатишни лозим ва юқори профессионал даражада амалга ошириш.

2.1.2. Ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда хизмат кўрсатишни амалга ошириш лозим.

2.1.3. Хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатадиган даражада Ижрочи шартнома шартларидан четлашган бўлса Буюртмачининг талабига асосан 5 кун давомида аниқланган барча нуқсонларни бартараф этиш.

2.1.4. Хизматларни шахсан амалга ошириш, Буюртмачининг ёзма розилигисиз бошқа юридик шахсларни жалб этмаслик.

2.1.5. Назорат ўлчовлари натижалари бўйича Буюртмачига назорат ўлчовларига оид материалларни ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномасини ҳамда ҳисоб-фактурани ёзма равишда топшириш.

2.1.6. Ижрочи шартнома мажбуриятларини ўз ҳисобидан бажаради (ўз вакилларни автотранспорт, овкатланиш ва яшаш жой билан ўз ҳисобидан таъминлайди).

2.1.7. Ижрочининг шартнома шартларига мувофиқ ҳисоб рақамига Буюртмачи томонидан бўнак тўловини амалга оширилгандан сўнг, 90 банк иш куни давомида назорат ўлчовини яқунлаб, Буюртмачига тузилган назорат ўлчов далолатномасини топшириш мажбуриятини олади.

2.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан ҳужжатларнинг ўз вақтида тақдим этилишини инобатга олиб хизмат кўрсатишни бошлаш.

2.2.2. Буюртмачидан белгиланган тартибда назорат ўлчовини ўтказиш учун мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхатга асосан зарур бўладиган тўлиқ ва аниқ ҳужжатларни талаб қилиш.

2.2.3. Ўз ишини мустақил ташкил этиш, назорат ўлчовини ўтказиш усуллари хамда мутахассислар таркибини танлаш.

2.2.4. Хизмат кўрсатиш жараёнида юзага келадиган саволлар бўйича Буюртмачининг жавобгар шахсларидан тушунтиришлар олиш.

2.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.3.1. Ушбу Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатиб ўтилган тартибда хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3.2. Ижрочининг талабига асосан мазкур шартноманинг 2-иловасидаги Рўйхат бўйича ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда ҳамда назорат ўлчовларини ўтказиш учун керакли бўлган муддатда тақдим этиш.

2.3.3. Ўз ходимлари ва пудратчилар вакиллариининг иштирокини таъминлаш.

2.3.4. Шартнома мажбуриятларини бажариш учун Ижрочига жой (хонасини) тақдим этиш.

2.3.5. Ижрочидан Топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан эътиборан 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиб олиш.

2.3.6. Текшириш жараёнига тўсқинлик қилмаслик, текшириш давомида ўтказиладиган объект манзилига бошқа ижрочини таклиф этмаслик.

2.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

2.4.1. Ижрочи томонидан амалга ошириладиган назорат ўлчовининг амалга оширилиши ва сифатини унинг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган пайтда текшириш.

2.4.2. Ижрочидан назорат ўлчови материалларини, ушбу Шартноманинг бажарилиши ва ижроси натижалари бўйича маълумотларни талаб қилиш ва олиш.

2.4.3. Объектда бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг назорат ўлчови амалга оширилиш жараёнида қатнашиш.

2.4.4. Ижрочидан Топшириш-қабул қилиш далолатномасини олган кундан эътиборан 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини олиб ўрганиш ва эътирозлар бўлса ёзма равишда билдириш.

3. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси мазкур шартноманинг 1-иловасида келтирилган ҳисоб-китобга асосан **30 000 000 сўм** (Ўттиз миллион) сўм ҚҚС билан.

3.2. Буюртмачи томонлар ушбу Шартномани имзолаган кундан бошлаб 10 банк иш куни давомида шартнома умумий баҳосининг 30 % миқдорига Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ошганда ёки камайган тақдирда шартнома баҳоси қабул қилинган тариф ставкаси бўйича бажарилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасида тегишли ўзгартиришлар акс эттирилиши йўли билан ўзгартирилиши лозим.

3.4 Колган 70% тулови Буюртмачи томонидан қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура имзолангандан кейин 10 банк кунда Ижрочининг ҳисоб рақамига амалга оширилади.

4. Хизматлар (ишлар)ни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Хизматлар кўрсатилгандан (назорат ўлчови бўйича ишлар бажарилгандан) сўнг Ижрочи Буюртмачига кўрсатилган хизматлар (бажарилган ишлар)ни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади.

Буюртмачи Ижрочидан олган санадан бошлаб 5 кун давомида кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилиш ва топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаш мажбуриятини олади.

4.2. Ижрочи хизмат кўрсатиш жараёнида хизмат кўрсатишни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки хизмат кўрсатишнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини аниқлаган тақдирда бу ҳақда Буюртмачига хабар бериши ва зарурий чораларни кўриши лозим.

4.3. Буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзолангандан сўнг хизматлар кўрсатилган ҳисобланади.

4.4. Ижрочи томонидан назорат ўлчови далолатномалари кўрсатилган хизматлар учун буюртмачи томонидан 100% тўлов амалга оширилгандан ҳамда тўлиқ расмийлаштирилган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактура тақдим этилганидан сўнг Буюртмачи ва Пудратчига топширилади.

5. Махфийлик

5.1. Томонлар ушбу шартноманинг мавжудлиги ва мазмуни, шунингдек ушбу шартнома доирасида томонларнинг ҳар бирига тақдим этилган ҳар қандай маълумотларни сир сақлаш мажбуриятини олади.

5.2. Томонлар ушбу шартноманинг томонларидан бирининг олдиндан берилган ёзма розилигисиз учинчи томонга факт ва маълумотларни умуман ёки қисман очмаслик ва ошкор этмаслик мажбуриятини олади.

5.3. Ушбу шарт бошқа шахслар томонидан олиниши мумкин бўлган маълумотларга тегишли эмас, Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўзда тутилган айрим ҳолатлар бундан мустасно.

6. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Ушбу шартнома имзоланганидан сўнг фавқулодда ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини, zilзила, табиий офат ва шу каби) содир бўлиши оқибатида ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслигига мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажара олмаган томон содир бўлишини олдиндан кўра билиш ёки уларни олдини олиш имконияти йўқлиги туфайли (енгиб бўлмас ҳолатлар) жавобгар бўлмайди.

6.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келиши билан ушбу ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари ҳаракатда бўлган даврга мос равишда мажбуриятларни бажариш муддати узайтирилади.

6.3. Томонлар форс-мажор ҳолатлар бошланиши ва тугаши тўғрисида бир-бирларини зудлик билан ёзма равишда хабардор қилишлари лозим.

6.4. Форс-мажор содир бўлганлигини рўқач қиладиган томон тегишли давлат идорасидан ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга мажбурдир.

6.5. Ушбу Шартномани ижро этишнинг имкони бўлмаган тақдирда олдиндан тўлов миқдоридан Ижрочининг ҳақиқатда қилган харажатлари миқдорига камайтирилгандан қолган қисми қайтариб берилади.

7. Томонларнинг жавобгарлиги

7.1. Ушбу Шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш муддатлари бузилган тақдирда Ижрочи мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун пеня тўлайди, лекин бунда тўланадиган пенянинг умумий миқдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоиз миқдоридан кўп бўлмаслиги лозим.

7.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда Буюртмачи Ижрочига муддати кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,5 фоизи миқдорида ҳар бир кечиктирилган кун учун пеня тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий миқдори муддати кечиктирилган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим.

7.3. Жарималарнинг тўлови томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

7.4. Ушбу шартномада кўрсатилмаган томонларнинг жавобгарлиги бўйича чоралар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига асосан қўлланилади.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва унинг бекор қилиниши тартиби

8.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

8.2. Ижрочи Буюртмачи томонидан қуйидаги шартлар бажарилмаган тақдирда бўнак тўловларини қайтармаган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлиқ ва керакли ҳажмда тақдим этмаганда;

- идратчи ташкилотларнинг қатнашишларини таъминламаганда;

- буюртмачи томонидан Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра хизмат кўрсатишни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатилганда.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан хизмат кўрсатишни бошлаш 15 кунга кечиктирилганда;

- Шартномада кўрсатилган муддатга нисбатан хизмат кўрсатишни тугатиш муддатининг Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга узайтирилганда.

8.4. Ушбу шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан томон иккинчи томонни 2 кун давомида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Ушбу Шартномани бажарилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва тушунмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал этилади.

9.2. Низо ва тушунмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилмаган тақдирда томонлар низоларни бартараф этишнинг судгача бўлган барча чораларни кўргандан сўнг низолар Тошкент шаҳар Иқтисодий судида ҳал этилади.

10. Яқуний қоидалар

10.1. Ушбу шартномага киритилмаган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади. Ушбу Шартномага барча иловалар шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

10.2. Томонлар ушбу шартнома бўйича кўзда тутилмаган барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан ҳаракат қиладилар.

10.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха ҳам айнан ўхшаш ва бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида ушбу Шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

11. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

«MUSTAXKAM SERVIS STROY» МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 1
5-мавзе, 14-уй, 94-хона

Банк реквизитлари:

Х/р: 2020 8000 8053 6736 9001

МФО: 00424

СТИР: 308340616

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ТШМФ

Амалиёт бўлими

Телефон: 97 700 28 22

«Буюртмачи»

«UZSUNGWOO» ҚҚ МЧЖ

Манзил: Ферғана ш, Аэропорт к. №68

«ХАМКОРБАНК» Ферғона филиал

х/р: 2021 4000 8049 1010 9006

МФО: 01155

STIR: 301 948 646

OKED:29320

Томонларнинг имзолари ва мухрлари



Ж.М. Адилов

(имзо ва мухр)



Ш.И. Моминжонов

(имзо ва мухр)

EXECUT.DIR	PURCH.DIR	ECONOMIST	FIN.DIR	DEPT.DIR

2022 йил «10» июндаги 23-
сонли ҳақ эвазига хизмат
кўрсатиш бўйича шартномага
1-Илова

Кўрсатиладиган хизматлар баҳосининг
ҲИСОБ-КИТОБИ

Иш ва хизматлар номи	Иш ва хизматлар ҳажми (сўм)	Тариф ставкаси %	Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси (сўм)	ҚҚС суммаси (сўм)	Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси (ҚҚС билан) (сўм)
1	2	3	$4=2*3/100$	$5=4*0,15$	$6=4+5$
Назорат ўлчови	12 471 519 318	%	26 086 957	3 913 043	30 000 000

Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»
«Mustaxkam servis stroy» МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 1
5-мавзе, 14-уй, 94-хона
Банк реквизитлари:
Х/р: 2020 8000 8053 6736 9001
МФО: 00424
СТИР: 308340616
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ТШМФ
Амалиёт бўлими
Телефон: 97 700 28 22

«Буюртмачи»
«UZSUNGWOO» ҚК МЧЖ

Манзил: Ферғана ш, Аэропорт к. №68
«ХАМКОРБАНК» Ферғона филиал
х/р: 2021 4000 8049 1010 9006
МФО: 01155
СТИР: 301 948 646
OKED:29320



Томонларнинг имзолари ва муҳрлари

Ж.М.Адилов
(имзо ва муҳр)



Ш.И.Моминжонов
(имзо ва муҳр)

2022йил «10» июндаги 23-сонли
ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш бўйича
шартномага 2-илова

**Назорат ўлчови ўтказиш учун буюртмачи томонидан тақдим этилиши
лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати**

1. Буюртмачи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш ҳуқуқини берувчи буйруқ
2. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатлар.
3. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
4. Лойиҳалашга топшириқ ва нуқсон далолатномасини инобатга олган лойиҳа-смета ҳужжатлари (ЛСХ).
5. ЛСХга ноидоравий экспертиза ташкилотининг эксперт хулосаси.
6. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
7. Ишлар тури бўйича таснифланган расшифровка қилинган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
8. Кўзга кўринмайдиган (ёпиқ) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга яроқли бўлган қурилиш материаллари кирим ҳужжатлари.
9. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
10. Танлов савдоларида ғолиб чиққан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобатга олган ҳолда), ғолиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий ҳолларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
11. Бажарилган ишлар ва тўловлар бўйича маълумот.
12. Иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йиғмаси (электрон кўринишида).

**Назорат ўлчови ўтказиш учун пудратчи томонидан тақдим этилиши
лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати**

1. Пудратчи вакили ёки вакилларига назорат ўлчовида қатнашиш ва далолатномани имзолаш ҳуқуқини берувчи буйруқ.
2. Ойлик кесимида пудратчилар томонидан бажарилган ишлар реестри.
3. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш шартномаси.
4. Ишлар тури бўйича таснифланган бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати ҳақидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари.
5. Ишлатилган қурилиш материаллари бўйича юк хатлари ва ҳисоб-фактуралар.
6. Тайёрланган ва қурилишда ишлатилган материаллар ва конструкциялар бўйича калькуляциялар.
7. Пудрат ташкилотининг бошқа ҳаражатлари ҳисоб-китоблари.
8. Транспорт ва омбор ҳаражатларига ҳисоб-китоблар.
9. Кўзга кўринмайдиган (ёпиқ) ва бузиб олиш (демонтаж) ишлари далолатномалари, шунингдек бузилиш жараёнида фойдаланишга яроқли бўлган қурилиш материаллари кирим ҳужжатлари.
10. Ижро чизмалари, техник ва ижро ҳужжатлари.
11. Танлов савдоларида ғолиб чиққан пудрат ташкилотларининг оферталари (конкурс ҳужжатларини инобатга олган ҳолда), ғолиб бўлганлиги тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси, зарурий ҳолларда қолган даъвогарларнинг оферталари.
12. Бажарилган ишлар ва тўловлар бўйича маълумот.
13. Иш турлари бўйича бажарилган ишлар далолатномаси йиғмаси (электрон кўринишида).



Ж.М.Адилов
(имзо ва муҳр)



Ш.И.Моминжонов
(имзо ва муҳр)

**МЧЖ «UZSUNGWOO» қўшма корхонаси ҳамда «Мустахкам Сервис
Строй» МЧЖ ўртасида тузилган 10.06.2022 йилдаги № 23-сонли
шартномага**

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

10.06.2022 йил

21-сонли

Фарғона шаҳри

Мазкур шартноманинг умумий қиймати 3.1-бандида 30.000.000 (Ўттиз миллион) сўм этиб белгиланган ҳамда тўловлар белгиланган тартибда шартноманинг 3.2-бандида тўланиши кўрсатиб ўтилган.


Тарафларнинг ўртасида тузилган шартномада шартноманинг предмети, тўлов тартиби, етказиб бериш муддатлари, сотувчи ва олувчининг мажбуриятлари, жарима санкцияларини қўллаш тартиблари ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлар акс эттирилган.

Тарафлар ўртасида шартнома шартларини бажарилиши муносабати билан келиб чиқадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 437-456-моддалари билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий –ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни билан тартибга солинади.

Тақдим қилинган шартнома лойихаси умумий нормалар талабларига зид эмас.

МЧЖ «UZSUNGWOO» қўшма

корхонаси ҳуқуқшуноси



О.Юлдашов